1991 – 1998
7
МУСТАҚИЛЛИК

## Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 28 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 27 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар ва 28 август куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

## Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки таркибига кирувчи Олий Мажлис депутатлари диққатига

27 август куни "Адолат" Социал-демократик партиясининг фракцияси Тошкент давлат юридик институтининг залида, "Ватан тараққиёти" партиясининг фракцияси эса, ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида йиғилади, ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки ўз мажлисини Олий Мажлисда ўтказади. Йиғилишлар соат 12 да бошланади.

*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

**1998 йил 27 август, пайшанба • № 101 (22.338).**

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

*Истиқлол мушоираси*

## БИРЛАШГИН

*Ўзбек, туркман, қозоғим,*
*Тожик, қирғиз, қароғим,*
*Санадим беш бармоғим,*
*Бир мушт бўлиб бирлашгин,*
*Бир пушт бўлиб сирлашгин.*

*Агар бир мушт бўларсан,*
*Тошни талқон қиларсан,*
*Шарқда шодмон юрарсан,*
*Бир мушт бўлиб бирлашгин,*
*Бир пушт бўлиб сирлашгин.*

*Одам ато авлоди,*
*Етар ўтганлар доди,*
*Темур бобомнинг ёди*
*Бир мушт бўлиб бирлашгин,*
*Бир пушт бўлиб сирлашгин.*

*Қувончни ранги бир хил,*
*Алам оҳанги бир хил,*
*Одамсан-ку, фикр қил,*
*Бир мушт бўлиб бирлашгин,*
*Бир пушт бўлиб сирлашгин.*

*Дема бир-бирига ётсан,*
*Бешов туркий миллатсан,*
*Муҳаммадга умматсан,*
*Бир мушт бўлиб бирлашгин,*
*Бир пушт бўлиб сирлашгин.*

**Маҳмуд ТОИР**

# Келажакка ишонч ифодаси

Халқимизнинг энг улуғ айёми — истиқлолнинг 7 йиллиги байрамига саноқли кунлар қолди. Юртимизда, мана етти йилдирки, бу қутлуғ кун катта меҳнат ғалабалари-ю улкан бунёдкорлик ишлари билан кутиб олинади. Байрам арафасида ишга туширилаётган янги-янги корхоналар, барпо этилаётган иншоотлар, бинолар, боғ ва хиёбонлар мамлакатимиз меҳнаткашларининг улуғ айёмга ўзига хос тўёналаридир.

Президент Ислом Каримов 26 август куни пойтахтимиздаги ишга туширилаётган ана шундай янги иншоотларни кўздан кечирди.

Дастлаб йўлбошчимиз Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида амалга оширилган таъмирлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан танишди. Таъмирдан сўнг мазкур боғда дам олувчилар учун барча шароит яратилди. Унда кўплаб фавворалар, сув ҳавзалари, спорт майдончалари, маданий иншоотлар, овқатланиш ва савдо шоҳобчалари барпо этилди. Давлатимиз раҳбари мазкур боғни шаҳарликларнинг севимли дам олиш масканларидан бирига айлантириш зарурлигини уқтириб, бу борада ўз таклифларини айтди.

Президент Ислом Каримов боққа туташ "Ўзбекенгилсаноат" уюшмасининг таъмирланган биносини кўздан кечирди. Жумладан, йўлбошчимиз уюшма корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди. Бино безаклари ва меъморий ечимини янада такомиллаштириш юзасидан зарур маслаҳатлар берди.



Уюшма биноси олдидаги майдонда бунёд этилган улкан фаввора давлатимиз раҳбарининг юксак баҳосига сазовор бўлди. Президент фаввора меъмори, қурувчи-ю лойиҳачиларга алоҳида миннатдорлик билдирди. Шу билан бирга фавворадан отилиб чиқаётган сув ўзига хос шакллар ҳосил қилиб, унинг жозибадорлигини оширганини таъкидлади.

Пойтахтимиз марказидаги Сайилгоҳ кўчаси шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонларининг севимли жойига айланган. Сўнгги олти ой давомида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Эскириб қолган иморатлар бузилиб, ўрнида замонавий савдо маркази, ажойиб фавворалар, яшил майдонлар пайдо бўлди. Ислом Каримов бу ерни кўздан кечирар экан, аввало, мазкур кўчани том маънодаги маданий ҳордиқ масканига айлантириш лозимлигини уқтирди. Барпо этилажак мажмуанинг асосий маркази Темурийлар тарихи давлат музейи бўлиб, қолган бино ва иншоотлар унинг салобатини янада ошириши зарур, деди Президент.

Давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб қайтариб, жумладан, шундай деди:

- Тошкент нафақат. Ўзбекистонимиз пойтахти, балки Марказий Осиёнинг маркази сифатида ўзининг тарихий салобатини бугунги кунда яна бир бор намойиш этмоқда. Унинг кундан-кунга чирой очиб бораётгани ҳақиқатан ҳам Шарқ дарвозаси эканлигини исботламоқда. Илгарилари пойтахтимиздаги қурилишлар ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида олиб борилиб, шаҳарнинг умумий меъморий тизимини ҳосил қилмас эди. Бугунги вазифамиз шаҳарнинг тарихий кўркини тиклашдир. Амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимиз нафақат ҳозирги авлод учун, балки келажакка қаратилган бўлиб, эртанги кунга ишончимизнинг ифодасидир.

Шунингдек, Президент Ислом Каримов Тошкент шаҳрининг савдо-кўргазма мажмуини барпо этиш ишлари билан ҳам яқиндан танишди. Амир Темур кўчаси бўйлаб жойлашган бу мажмуа доирасига ҳозирда фаолият кўрсатаётган "Интерконтинентал" меҳмонхонаси, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, қурилиши давом этаётган Бизнес-марказ ва бошқа кўпгина бинолар киради. Давлатимиз раҳбари байрам арафасида ишга тушириладаган Савдо маркази (Шоппинг-центр) биносини кўздан кечирди. Унинг замонавий талаблар даражасида бунёд этилганидан мамнуният изҳор этди. Мажмуанинг қурилиш лойиҳаси билан танишиб, керакли тавсиялар берди.

Президент Ислом Каримовнинг пойтахт иншоотлари билан танишуви чоғида унга Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Р.Юнусов, М.Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов, бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

***Беҳзод УСМОН, ЎзА мухбири.***
***Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.***

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини бериш тўғрисида

Давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги улкан фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки, миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси ва қаҳрамонона меҳнати учун қуйидагиларга **"Ўзбекистон Қаҳрамони"** унвони берилиб, олий нишон — **"Олтин юлдуз"** медали топширилсин:

**Зиятов Парда** — *Жиззах тумани, Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Жиззах вилояти*

**Обидов Қобилжон Ғофурович** — *Андижон вилояти ҳокими*

**Орипов Абдулла** — *Ўзбекистон халқ шоири, республика Ёзувчилар уюшмаси раиси*

**Турдиев Жонсаид** — *Олмалиқ кон-металлургия комбинати "Қолмақир" кони экскаватор машинисти, Тошкент вилояти*

**Курбонов Анвар Сарманович** — *"Сирдарёжамқурилиш"га қарашли 49-кўчма механизациялашган колоннанинг бригада бошлиғи, Сирдарё вилояти*

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 26 август



**Зиятов Парда**



**Обидов Қобилжон**



**Орипов Абдулла**



**Турдиев Жонсаид**



**Курбонов Анвар**

*ХДП хабари*

## Нуқтаи назар ишлаб чиқилди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг кеча бўлиб ўтган мажлисида, мамлакат парламентининг 28 август куни очиладиган ўн иккинчи сессияси муносабати билан, партиянинг умумий нуқтаи назари ишлаб чиқилди. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда таъкидланишича, Сиёсий ижроқўм Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга жиддий ҳисса қўшаётганлиги ва унинг навбатдагиси ҳам бундан мустасно эмаслигини, партиядан парламентга сайланган депутатларнинг уни тайёрлашда фаол иштирок этганликлари, хусусан, қабул қилиниши мўлжалланаётган қонунларнинг ХДП дастурий ғояларига ҳамоҳанглигини ҳисобга олиб, фракция аъзоларига сессиянинг таклиф этилаётган кун тартиби ҳамда унга киритилиши кўзда тутилаётган ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, қўллаб-қувватлаш тўғрисида тавсия берилди.

Сиёсий ижроия қўмита мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ташкилотининг фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги иштироки тўғрисидаги масала ҳам кўрилиб, унинг юзасидан тегишли қарор қабул қилинди (қарорнинг баёни газетада эълон қилинади).

***Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати***

*Олий Мажлис XII сессияси олдидан*

## Қонунлар ислоҳотларни чуқурлаштиришга хизмат қилсин!

***Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси Абдулҳафиз Жалоловнинг фракция мажлисидаги (1998 йил, 26 август) маърузаси***

Биз биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг эртага ўз ишини бошлайдиган ўн иккинчи сессияси кун тартибига киритилиши кўзда тутилаётган, мамлакатимизда амалга оширилаётан ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлашга қаратилган, қатор қонун лойиҳалари ва бошқа муҳим масалалар юзасидан фракциямизнинг умумий нуқтаи назарини ишлаб чиқиш учун йиғилдик.

Олий Мажлиснинг мазкур сессияси республикамиз ҳаётидаги муҳим воқеа — мамлакатимиз истиқлолга эришган куннинг 7 йиллигини нишонлаш арафасида ўтмоқда. Мустақиллик эълон қилингандан буён ўтган даврда юртимизда рўй берган жиддий ўзгаришлар халқимиз ўз йўлбошчиси — И. А. Каримов раҳнамолигида бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини бунёд этиш йўлидан изчил бораётганлигидан яққол далолат беради.

Биз бугун шуни алоҳида ғурур билан айта оламизки, мустақиллик йўлидан қатъий бораётган Ўзбекистон, туб иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ислоҳотларни изчил амалга ошираётган, жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаётган, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кенгликларидаги, барқарор давлатлардан биридир.

Мамлакатимизда, Президентимиз Фармони билан эълон қилинган Оила йили тадбирларининг кенг кўламларда ўтказилиши, халқимиз бой маънавиятининг алломалари — ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги ва машҳур олим Аҳмад ал-Фарғоний туғилган куннинг 1200 йиллигини тантанали нишонлашга қизғин тайёргарлик олиб борилаётганлиги миллий байрамимизга алоҳида кўтаринкилик ҳамда файз бахш этмоқда.

Мустақилликнинг етти йиллигини халқимиз ислоҳотларнинг барча жабҳаларида қўлга киритган ютуқлар билан кутиб

*(Давоми 2-бетда)*

*Бу дунёнинг ишлари*

### Ҳарбийлар келишмоқда

**Хорижий ҳарбийлар Президент Лоран Кабилани қўллаб-қувватлаш мақсадида Конго демократик республикасининг пойтахтига келишмоқда. Чунки, бу ерда қўзғолончилар қонуний ҳукуматни ағдариб ташлашга интилмоқдалар. Айни пайтда Африка жанубидан автоматлар билан қуролланган аскарлар самолётларда ушбу мамлакатга етиб келмоқдалар. Айрим маълумотларга кўра, асосан Зимбабве ва Анголадан келаётган аскарлар Кабилани қўллаб-қувватлашмоқчи.**

### Айғоқчининг «эртаги»

Ливия Британия махфий хизматининг собиқ зобити Дэвид Шэйлернинг 1996 йилда Ливия раҳбари полковник Каддафига суиқасд уюштиришда Британия ҳам иштирок этганлигини таъкидлаб берган баёнотини мустақил текширувдан ўтказишни талаб қилди. Ливия ташқи ишлар вазири Шэйлернинг сўзларига таяниб, Британияни халқаро ҳуқуқ нормаларини бузишда ва давлат терроризмини қонунлаштиришда айблади. Британия ва Америка газеталарининг хабарларига кўра, Шэйлер Британия махфий хизмати Ливия гуруҳларидан бирига полковник Каддафи ўтиши мумкин бўлган автомобиль йўлини миналаштириш учун катта маблағ тўлаганлигини айтди. Унинг сўзларига қараганда бомба керакли автомобилга қўйилмаган экан. Шу боис, бир нечта бегона кишилар ҳам ҳалок бўлган. Британия ҳукумати эса ушбу айбловни айғоқчининг «эртаги» деб баҳолади.

### Ваколатини топширди

**АҚШда туриб рак касалини даволатаётган Иордания қироли Ҳусайн ўз ваколатини тахт меросхўри бўлмиш укасига топширди. Бу ҳақда расмий кишилар хабар беришди.**

### Баҳайбат махлуқ изидан

Швецияда ўтказилган тадқиқотлар мамлакатнинг шимоли-ғарбидаги Сторшён кўлида тушуниб бўлмайдиган шовқинлар борлигини кўрсатди. Қидирувларда 15 та махсус қурилмалар ўрнатилган катерлар иштирок этди. Ушбу минтақада 400 йилдан бери қандайдир бўйи беш метрли ва бир йўла балиқ, илон ва отга ўхшаш махлуқ борлиги ҳақида миш-мишлар юради. Норвегия ва Шотландиянинг денгиз бўйида яшайдиган аҳолиси орасида ҳам шундай гаплар бор.

«ЎЗСАНОАТКЎЖАЛИКҚУРИЛИШ»
давлат корпорацияси

Ўзбекистон халқини мамлакатимиз
мустақиллигининг етти йиллиги
муносабати билан қизғин муборакбод этади!
Корпорациямиз бунёдкорлари юртимизда
саноат корхоналарини қуриш, уларни фойдала-
нишга топширишда ҳамиша камарбасталик
қилиб келмоқда. Ватанимизда эришилаётган
ютуқларга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.
Бунёдкор халқимизни шонли байрам
билан табриклар эканмиз, барча
хонадонга осойишталик, тинчлик ва
фаровонлик тилаймиз!

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Барчангизни истиқлолимизнинг
етти йиллик байрами билан
самимий қутлаймиз!
Мустақиллик берган неъмат —
эркинлик қадрига етиб, юртимизни
янада обод қилайлик, ўлкамиз ҳами-
ша гуллаб-яшнайверсин!
Шу қутлуғ кунларда элимизга
тинчлик, халқимизга
омонлик тилаймиз!
Истиқлол тўйи ҳаммамизга
муборак бўлсин!

«ЎЗБАЛИҚ»
давлат акционерлик
корпорацияси.

Халқаро Шароф Рашидов
хайрия фонди жамоаси

Серқуёш Ўзбекистонимиз
фуқароларини мустақиллигимизнинг
муборак 7 йиллиги — Улуғ байрам
билан муборакбод этади.

Муҳтарам Ватандошлар!

Барчангизни улуғ айём билан
қутлар эканмиз, ҳур Ўзбекистоннинг буюк
келажагини яратишга аҳд қилган ҳар бир
меҳнат аҳлига юксак зафарлар,
мустаҳкам соғлиқ, ҳар бир
оилага файз, барака, фаровон ҳаёт,
хушчақчақ узоқ умр тилаймиз.
Инсоний қадримиз оламга
татигулик бўлсин.
Бинобарин, халқимиз мустақиллиги йўлида
курашган, озод ва ҳуррият дамларини интиқ-
лик билан кутган, аммо бу эзгу
орзу-ҳавасларга
етолмаганларнинг жойлари жаннатда
бўлишини тилаб қоламиз.
Уларнинг руҳлари тоабад
шод бўлсин!

# нима гап?

***Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси раиси, генерал-майор Ўткир Комилов билан суҳбат***

ҳаракатларимизнинг тўғри эканлигидан далолат бериб турибди.

**— Яқинда ходимларингиздан бири раисимиз бизга «пора» берди деб қолди. Буни қандай тушуниш мумкин?**

— Тўппа-тўғри. Хўш, айтинг-чи, божхона ходими ўз саломатлиги ҳамда жонини гаровга тиккан ҳолда кимсасиз чўлда иссиқ-совуқ демай, туну-кун демай ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётган катта миқдордаги халқ бойлигини тўхтатиб қолса ёки кўп миқдордаги ажал уруғи бўлмиш гиёҳвандлик воситаси ёки курол-яроғларни ушлаб қолса нима учун бундай ходимга «пора» бермаслигимиз керак. Мен бу ерда иш бошлагандан кейин шундай қарорга келдим. Қайси бир ходимимиз катта миқдордаги жиноятни очган бўлса, унга ўн ойлик маошгача бўлган миқдорда мукофот, сиз айтгандай «пора» беришни келишиб олдик. Бу ҳам ходимларимиз ўртасида жуда яхши қабул қилинди. Ўзингиз айтинг, яхши ишлаган инсон қандайдир томондан рағбатлантирилиши керак-ку, ахир. Бу ҳам ишнинг олға кетишига сабабчи эмасми? Ходимларимиз бировлардан чой-чақа ишлаш ўрнига ҳалол меҳнат қилиб бизнинг рағбатимизни олсин, ёнидаги шериги ҳам ундан ўрнак олсин, келгусида янада яхшироқ ишлашга талабчан бўлишга уринсин.

Яна бир жиҳат тўғрисида тўхталмоқчиман. Давлатимиз раҳбарлари айниқса, Президентимиз саъй-ҳаракатлари натижасида ходимларимизга махсус кийим-бош, махсус лавозим унвонлари берилиб, погон тақиш қонун билан белгилаб қўйилди. Мана шунинг ўзи ҳам (агар заррача инсофи бўлса) ходимларга катта масъулият юкламоқда. Шу билан бирга ҳар ҳафтанинг биринчи куни бутун шахсий таркиб учун «Маърифат дарси» билан бошланиши одат тусига кирган. Юксак маънавият руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири сифатида оммавий-ахборот воситалари билан ҳамкорликка катта эътибор берилмоқда. Пораҳўрлик ва хизмат мавқеини суистеъмол қилиш чоғида қўлга олинган ходимлар иши бўйича материаллар матбуот саҳифаларида мунтазам эълон қилиб борилмоқда. Бундай чоралар қалтис қадам босишга чоғланган бошқа ходимларни тегишли хулоса чиқаришга ундаши шубҳасиз.

Республика ҳукуматининг катта эътибори, раҳбарият ва шахсий таркиб саъй-ҳаракатларининг натижаси ўлароқ, бугунги кунда Давлат божхона тизими мунтазам такомиллашиб бормоқда. Президентимиз ҳамда ҳукуматимизнинг божхона ва унинг фаолияти ҳақидаги қатор Фармон ва қарорларини бажариш юзасидан олиб борилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Бунга мисол тариқасида Миллий кинология маркази, «Олот» ва «Ғиштқўприк» божхона мажмуаларининг қурилиши, мавжуд божхона масканларини энг замонавий техника воситалари билан таъминлаш, илғор алоқа асбоблари ва шу каби жуда кўп тадбирларни келтириш мумкин.

**— Кадрларни тайёрлаш бўйича айни кунларда қандай ишлар олиб борилмоқда?**

— Мана яқинда Президентимизнинг шахсий ташаббуси билан **Божхона коллежи** ташкил қилиш тўғрисида Фармон қабул қилинди. Бу иш ҳам кадрларни тайёрлаш бўйича дастурнинг бажарилиши тўғрисидаги қадамлардан биридир. Ушбу коллежни битириб чиққан ёшлар сафимизга ҳар томонлама тайёр, божхона соҳасини мукаммал ўрганган ҳолда келадилар. Бундан ташқари биз сафларимизга яқинда ишга қабул қилинаётган ходимлар малакасини турли йўллар билан ошириб бораверамиз. Халқимизда «олтов ола бўлса оғзидагини олдирар, тўртовлон тугал бўлса, унмаганни ундирар» деган ҳикматли ибора бор. Биз ҳам мана шунга амал қилган ҳолда кейинги пайтда барча соҳалар бўйича Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура ҳамда суд идоралари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Бу албатта ўз самарасини бермоқда.

**— Ўткир Толипович, яна статистик маълумотларга назар ташласак, ноқонуний равишда четга олиб чиқиб кетилмоқчи бўлинган товар-моддий бойликларни, курол-яроғ ва гиёҳвандлик воситаларини тўхтатиб қолиш дейсизми, барча-барчасида бир неча бор ўсишга эришилганлиги кўриниб турибди. Лекин, оддий газетхон сифатида бизни бир ҳолат ташвишга солмоқда, кейинги пайтларда матбуотда божхоначилар тўхтатиб қолаётган сифатсиз маҳсулотлар, айниқса ( бу энг ачинарлиси ҳамда энг даҳшатлиси) озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақидаги хабарларни ўқиб қолмоқдамиз...**

— Кўнглимдаги гапни айтдингиз. Ҳақиқатан, бу ачинарли ва ташвишли ҳолат учраб турибди. Масалан, шу йил олти ой давомида божхоначиларимиз Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларни зарарсизлигини тасдиқлаш мақсадида мажбурий сертификациялаш тўғрисида»ги қарорларига биноан, бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, республикамизга олиб киришга уринилган жами 900 тоннага яқин сифатсиз товарлар ҳамда 6 ярим минг тоннага яқин сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини аниқлаб, тўхтатиб қолдилар. Уларнинг кўпчилиги махсус комиссия қарорига биноан қайтариб юборилди. Катта миқдордаги маҳсулотлар қайта ишлашга ҳам ярамаслиги учун йўқ қилиб ташланди.

Бир мисол келтирмоқчиман. Келиб чиқиш сертификати Буюк Британия бўлган 9 миллион 360 минг АҚШ долларига баҳоланган 2480 тонна сариёғ ГОСТ талабларига жавоб бермагани учун республикамиз ҳудудидан чиқариб юборилди. Умуман айтганда, етти ой давомида 94000 литр спирт, 73000 банка пиво, 16 тонна Туркиядан келтирилган хамиртуруш истеъмолга умуман яроқсизлиги учун йўқ қилиб ташланди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Кейинги вақтларда жисмоний шахслар ва хусусий тадбиркорлар томонидан сифатсиз ҳамда истеъмол муддати ўтиб кетган озиқ-овқат маҳсулотлари (колбаса, сырь, гўшт-сут маҳсулотлари)ни, дори-дармонлар, тиббий техника воситаларини контрабанда ва ноқонуний йўллар билан олиб келишга уринишлар учрамоқда. Ушбу маҳсулотларни олиб келишда умуман ташиш ҳолатига эътибор бермасдан, турли миқдорда, санитария ҳолатига зид равишда ташиб келишга уринишлар содир этилмоқда.

**— Яқинда телевизордан 5 тоннадан кўпроқ сосиска маҳсулотлари ёқиб юборилганини кўриб, болаларимга «Хот-дог»лар олиб беришга ҳам чўчиб қолдим.**

— Э, нимасини айтасиз, мана шунга ачинаман-да, ўзимга-ўзим айтаман, наҳотки, мана шундай сифатсиз, тўғрироғи, заҳарли маҳсулотни олиб келаётган одам ушбуни сотиб, ундан олган даромадига бола-чақасини боқади-ку?! Ўшанда, улар бошқа одамларни айниқса, болаларни заҳарлаётганини ўйламаса, наҳотки, кўра-била туриб, бемалол бу ҳаром пулга (ҳаромдан келган даромад ҳаром бўлмай, нима бўлсин) оғзини тўлдириб мойу-гўшт чайнаса, уларда заррача инсоф бўлса, мана шундай ишга қўл урадими? Яна бир бор айтаман, айниқса болалар ризқига заҳар қўшаётганларнинг ҳеч қачон бири икки бўлган эмас. Бундайларни Яратганнинг ўзи жазолаши турган гап. Мен энг ачинадиган воқеа ҳам мана шундай болалар учун олиб келинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ичида истеъмолга яроқсизлари мавжудлигидир. Даҳшатлиси ана шундай маҳсулотларнинг баъзи бирларида турли хил даволаниши оғир кечадиган касалликларни қўзғовчи таёқчаларнинг учрашидир. Масалан, «Гўшт-сут-савдо» номига Хитой Халқ Республикасидан келтирилган 11 вагондаги 642 минг 362 килограмм «макрелбалиғи» консерваси Гост талабларига жавоб бермаслиги, қўрғошин миқдори 2 ярим марта кўплиги, бегона ҳидлар борлиги учун республикага киритилмасдан қайтариб юборилиши устидан иш олиб бормоқдамиз. Яна бир мисол. «Роз Трейдинг» хорижий ташкилоти номига 17 минг 926 АҚШ доллари миқдоридаги «Нестле» болалар озуқаси, «Ўзмарказимпекс» шартномаси билан Швейцариянинг «Нестле» фирмасидан 40704 кг «Нестоген» болалар озуқасини олиб келмоқчи бўлган. Булар ҳам юқорида айтганимдек, сифатсизлиги учун қайтариб юборилишига тайёрланмоқда.

Шу ўринда мен ватандошларимни ишонтириб айтмоқчиманки, ҳеч қандай гумонларга бориб юришмасин. Биз мана шундай сифатсиз маҳсулотлар кириб келишига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўраверамиз. Ўрни келганда айтиб ўтмоқчи эдим, бизнинг барча вилоятларимиздаги божхона бошқармаларида «ишонч телефонлари» ишлаб турибди. Агар кимда-ким мана шундай ҳолатларни сезиб қолсалар, шу телефонларга ёки Давлат божхона қўмитасидаги «ишонч телефони»га (76-76-35 ёки 76-61-36) қўнғироқ қилиб огоҳлантириб қўйсалар нур устига нур бўларди. Бекорга айтмайди-ку, «Кўпдан қуён қочиб қутилмас», деб. Яна бир нарса тўғрисида айтиб ўтиш лозим. Республикамизга олиб келинаётган барча маҳсулотлар нафақат божхона лабораториясида балким, Давлат стандарти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги лабораторияларида қайта-қайта текширишлардан ўтгач, сўнгра охирги қарорга келинади. Мана шунинг ўзиёқ ишимизнинг нечоғли мураккаб эканлигидан далолат бериб турибди. Бундай воқеаларни жуда кўплаб келтириш мумкин, айрим пайтлари ходимларимизнинг уйларига ҳам қўнғироқ қилишиб, дўқ-пўписалар айтилмоқда. Шундай пайтда, юқорида айтганим махсус инспекциядаги йигитларимиз ана шундай зўравонларни тезликда аниқлаб, қонунга биноан, уларнинг хатти-ҳаракатлари ўрганиб чиқилиб тегишли чора кўришлик учун ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига жўнатилмоқда. Ким бўлишидан қатъи назар, барча билиб қўйсинки, у қонунни бузмоқчи бўлса, ўз вақтида унга барча чора-тадбирлар кўрилади. Бизнинг мақсадимиз битта, бизга ишониб вазифа топшириб қўйган Президентимиз, халқимиз ишончини оқлаш, турли хил қонунбузарликларнинг олдини олишдир.

***Абдумўмин ТИЛОВОВ* суҳбатлашди**

1991 — 1998 7 МУСТАҚИЛЛИК

# ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК

***Ислом КАРИМОВ:***

***Қашқадарё вилояти юртимиз халқ хўжалигида тутган ўрни, унинг моддий ва маънавий салоҳияти, ориятли, мағрур ва танти инсонлари билан маълум ва машҳурдир.***

## Очилаётган хазина

***Қашқадарё бахшилари бу юртни бепоён, деб куйлаганларида минг бор ҳақдир. Ҳудуди жаҳоннинг айрим мамлакатларидан йирикроқ воҳа бағрида не-не хазиналар яшириниб ётибди. Шунинг учун ҳам юртбошимиз Қашқадарёнинг иқлими, ер шароитлари, сув ва меҳнат ресурслари бугунги кунда тўлиқ ишга солинмаётганини алоҳида кўрсатиб ўтган эдилар. Мустақиллигимизнинг етти йили катта ишларга пойдевор қўйди. Олдинда эса истиқбол режалари турибди. Биз ахборот-таҳлил гуруҳининг раҳбари, вилоят ҳокимининг муовини, иқтисод фанлари доктори Бердиёр ака Янгибоев билан суҳбатда тузилаётган катта режаларнинг бир қисмидан хабардор бўлдик. Ўзимиз ҳам қайсидир масаланинг ечимини топишга уриндик. Хулоса шу бўлдики, воҳа тараққиётининг алп одимлари тўхтамайди.***

**Қарши шаҳри.** Аҳолиси 204 мингга яқинлашиб қолган шаҳарда икки йил орасида яна 10 минг кишилик ишчи ўринлари барпо этилади. Тиббиёт учун катта аҳамиятга молик, йилига 15 миллион шиша идишда инфузион эритма ва момиқ пахта ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси бунёд этилмоқда. «Анис» хусусий қўшма корхонаси ишга тушади. Шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш, қадимий шаҳарнинг тарихини тиклаш, қутлуғ тўйини ўтказиш истиқболда турибди.

**Шаҳрисабз шаҳри ва тумани.** Аҳолиси биргаликда 257 минг кишига яқин. Саноат тараққиёти юқори, иккита қўшма корхона ишлаб турибди. Нафис ички кийимлар тайёрлаётган «Садо» ҳиссадорлик жамияти қошида янги қўшма корхона барпо этиш учун 3 миллион долларга яқин маблағ ажратилган. Этик тайёрлайдиган «Кеш-пласт» хусусий корхонасига хорижий технологияни келтиришмоқчи. Вилоятда ягона пиллакашлик корхонаси иқтисодини ўнглаш, адирлардан янги ерлар ўзлаштириш ҳаёт тақозоси.

**Косон тумани.** Аҳолиси 175 минг кишидан зиёд. Деҳқончилик маҳсулотлари жиҳатидан етакчи ўринлардан бирини эгаллаган туманда иккита пахта тозалаш, ёғ-экстрация корхонаси ишлаб турибди. Аммо бу корхоналар имконидан ҳали етарлича фойдаланилгани йўқ. Хўжаликлараро сув қувурлари тортиш, қўшма корхоналар тузиш масалалари ҳам етилган.

**Қарши тумани.** Аҳолиси 154 минг кишига яқинлашган. Ошиб бораётган талаб «Радиатор» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Бешкент шаҳрида экологик мувозанатни сақлаш мақсадида ер ости коллекторлари ўтказиш масаласи бор. Жаҳонда энг сермаҳсул голланд молларини боқилаётган, хорижий ускуналар ўрнатилан «Манғит» хўжалигининг янада ривожи вилоят чорвачилигида наслчиликни тубдан яхшилашга хизмат қилиши мумкин.

**Касби тумани.** Аҳолиси 119 минг кишига яқин. Ўтган йили 66 минг тонна пахта етказиб берган туманда Италиянинг «Фронзони» фирмаси билан ҳамкорликда ип йигирув ва тўқув корхонаси қурилади. Бу кифоя эмас. Туман ўз имкониятларини тўла ишга солиши, кичик-кичик қайта ишлаш саноатига эга бўлмоғи лозим.

**Муборак тумани.** Аҳолиси 56 минг киши. Республикамизда ишлаб чиқариладиган газнинг 70 фоизини бераётган Муборак газни қайта ишлаш корхонаси қишлоқларда гузарлар, аҳоли учун уйлар ҳам қурмоқда. Аммо вилоятда энг кўп шўрланган, унумдорлиги пасайиб бораётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муаммоси ҳал бўлмаяпти. Йирик наслчилик-қоракўлчилик хўжалиги учун яйловларни асраш, кичик қайта ишлаш саноатини вужудга келтириш талаб қилинмоқда.

**Чироқчи тумани.** Аҳолиси 237 минг кишига яқинлашиб бораётган, энг кўп ғалла етиштираётган туманда Яккабоғдан тортилаётган темир йўлни тезроқ битказиш катта аҳамиятга молик. Қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, жумладан, нотўқима материаллар ҳиссадорлик жамиятига хориждан келтириладиган ип-йигирув дастгоҳлари ўрнатилади. Йилига 3 миллион дона пайпоқ тўқийдиган корхона бунёд этилади. Жами 42 километрли «Келеф-Кўкдала» йўналишидаги юқори босимли газ қувурлари тортилади. Хароба мактабларни янгилаш, аҳолини тўла ичимлик суви билан таъминлаш масалалари ҳам ечимини кутмоқда.

**Ғузор тумани.** Мамлакатдаги йирик Шўртангаз кимё мажмуи қурилиши якунлангач, қимматбаҳо полиэтилен билан бирга, кўп миқдорда суюлтирилган газ, конденсат ишлаб чиқарила бошлайди. Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилиши жадаллашаяпти. Яна йирик ғишт заводи қурилади. Ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

**Китоб тумани.** Аҳолиси 168 мингдан ошиқ, вилоятнинг энг кўп узуми, сабзавотини етиштираётган туманда ер тахчил. Агар Оёқчи сув омбори қурилса, яна 5 минг гектар ерга сув чиқиши мумкин. Халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш имкониятлари катта. «Китоб» агрофирмаси ихтиёридаги шароб ва мева қуритиш корхоналари имкониятидан етарли фойдаланилмаяпти. «Қашқадарёмармар» ҳиссадорлик жамияти Италиянинг «Роберо-ЛТД» фирмаси билан қўшма корхона тузиш, 60 минг квадрат метр мармар тайёрлаш, 50 фоизини хорижга сотиш режасини белгилаган.





## Ватан ичра азиз бир Ватан

***Шуҳрат Бегматов, Қашқадарё вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати***

*Тарихимизнинг энг мусибатли, адолат топталган, одамлар қалбига қайғу-алам зил тошдек чўккан йилларида юртбошимизнинг вилоятга раҳбарлик қилганлари, эл қадр-қиммати учун ўзларини аямай кураш олиб борганликларини қашқадарёликлар ҳамиша ёдда сақлайдилар. Мустақиллик йилларида ҳам ҳар гал вилоятга келганларида айрим муаммо ва нуқсонларни бартараф этувчи маслаҳатлар бердилар, улкан ишларга даъват этдилар. Шунинг учун ҳам баралла айта оламизки, шу кунгача қандай ўзгаришлар содир бўлган бўлса, уларни мустақиллик, озодлик нашидасидан кўнгли кўтарилган шу юрт одамлари, фидокорлари амалга оширди. Истиқлол халқимизнинг чексиз салоҳияти, яратувчилик қудратини рўёбга чиқарди.*

*Бугун вилоятимиз ўзининг ер ости бойликлари, деҳқончилик маҳсулотлари билан мамлакатда етакчи ўринни эгаллайди. Республикамиз ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминлашда ҳиссаси катта бўлган Кўкдумалоқ кони шу заминда. Хорижий сармоядорлар иштирокида қурилган Кўкдумалоқ компрессор станцияси бебаҳо ёқилғи — газ конденсатини ажратиб бермоқда. Юртимиздаги энг йирик корхоналардан бири — Муборак газни қайта ишлаш заводида ўтган беш йилда қўшимча равишда 8 миллиард кубометр газни қайта ишловчи 4 та технологик қурилма ишга туширилди. Айни пайтда корхона мамлакатда ишлаб чиқарилаётган табиий газнинг 70 фоизини, Шўртангаз конлари бошқармасини ҳам қўшганда, 90 фоизини етказиб бермоқда. Бу газ ҳадемай Таллимаржон иссиқлик электр станциясининг қудратли ускуналарини ҳаракатга келтиради — яъни, нурхонанинг биринчи навбати ишга туширилади. Қурилиш, айниқса, коммуникация, саноат корхоналари қурилиши жадал давом этмоқда. Халқ хўжалигида катта ўрин тутадиган Ғузор—Бойсун—Қумқўрғон темир йўли барпо этилмоқда. АҚШ, Германия, Япония ва бошқа давлатларнинг нуфузли компаниялари билан ҳамкорликда қурилаётган Шўртангаз кимё мажмуида келгусида 125 минг тонна полиэтилен, конденсат ва газ маҳсулотлари тайёрланади. Ҳозир бу муҳим корхона қурилишида вилоятдаги ўнлаб қурилиш ва транспорт ташкилотлари фаол иштирок этмоқдалар.*

*Юртбошимиз шу йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида вилоятда меҳнат ресурслари жадал ўсаётганлиги, иш ўринлари озлиги, қўшма корхоналар, қишлоқ хўжалигидаги жиддий муаммолар, уларни бартараф этиш йўлларини батафсил кўрсатиб бердилар. Эътироф этиш керакки, мева, сабзавот, дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари бирмунча кўпайди. Аммо, турли сабабларга кўра мавжуд 47 та қўшма корхонадан учдан бир қисми фаолият кўрсатаётганлигини оқлаб бўлмайди. Энг замонавий технологик ускуналар ўрнатилган «Каштекс» очиқ ҳиссадорлик жамиятини ночор аҳволдан олиб чиқиш, ҳар қандай рақобатга чидамли маҳсулотлар тайёрлаш вазифаси ҳам кўндаланг турибди.*

*Аҳолининг асосий қисми яшаётган қишлоқларга кичик саноатни жадал олиб кириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш ҳам истиқболдаги ишларимиздир. Чунки, мамлакатимиз дон мустақиллигини таъминлаш, пахта, сабзавот, узум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришда вилоятимизнинг ҳиссаси ниҳоятда катта. Бу йил 420 минг тонна пахта етиштириш учун кураш олиб борилмоқда. Пилла, сут, гўшт етиштириш топшириқлари уддаланди. Ғаллакорларимиз бу йил 320 минг тоннага яқин дон топшириб, белгиланган режани ошириб адо этдилар. Бироқ, ҳосилдорлик анча пастлиги, техника воситалари эскириб кетганлиги, қарийб 31,6 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бораётганлигини айтмоқ керак. Чунки, истиқлол бизни ҳар қандай муаммонинг ечимини излашга, ўз еримизга эгалик қилишга, истиқбол орзулари билан яшашга ўргатди. Биз барпо этаётган буюк давлат келажаги соғлом, баркамол ёшларга боғлиқ. Кейинги йилларда вилоятда ўнлаб замонавий ўйингоҳлар қурилди, таълимни ислоҳ қилиш, мактабларни зарур ускуналар билан жиҳозлаш борасида ҳам анча ишлар амалга оширилди. Спортчиларимиз мамлакатимизда ва халқаро мусобақаларда совриндор бўлишмоқда. Айни пайтда ёшларимиздан 34 нафари хорижда таълим олаётган бўлса, бу йил 14 иқтидорли ёш шундай имкониятга эга бўлди. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси грантлари совриндорлари орасида қашқадарёлик ёшлар борлигидан фахрланамиз. Шу билан бирга мавжуд мактабларнинг 398 таси мослаштирилган бинода жойлашгани, 103 таси ўрнида янги бинолар қуриш кераклигини унутганимиз йўқ. Ҳозир бу масалаларни ҳал қилиш тадбирларини амалга оширилмоқда. Биргина Яккабоғ туманида корхона ва одамларнинг кучи билан бир нечта янги мактаб қуришга киришилди. Ўқитувчилар, ота-оналар ҳамжиҳатлик билан қурилишда иштирок этишаяпти.*

*Қашқадарёликлар ана шундай қутлуғ режа ва орзу-ниятлар билан яшамоқдалар.*



Яккабоғдаги савдо маркази



«Каштекс» ҳиссадорлик жамияти



Кексалик гашти

## Порлоқ келажак рамзи



Қарши — Ғузор орасидаги йўлдан кўп ўтганман. Бир тўғри чизиқ бўйлаб ўтган бу олис йўлнинг қоқ ярмига етганда чап томонда узоқдан уч-тўртта осмонга олов пуркаётган қувурларга кўз тушади. Кўпчилик сингари мен учун ҳам бу олов «Шўртангаз» рамзи. Собиқ иттифоқ даврида шу ердан Европа шаҳарларига газ узатилганлигини ҳам кўпчилик яхши билади.

«Яхши билади» деган ибора тўғримикин? Мен «Шўртангаз» газ конлари бошқармаси фаолияти билан яқиндан танишганимдан сўнг шундай савол пайдо бўлди. Ахир, шахсан ўзим у ҳақда эндигина тўлароқ маълумотга эга бўлаётганлигимни ҳис қилдим.

Бу ерда мустақилликдан кейин ҳам талай янги қурилмалар ишга туширилибди. Масалан, 1992 йилда «Диэтоноламин ёрдамида газни олтингугуртдан тозалаш» қурилмасининг йилига 2 млрд. метр куб қувватга эга иккинчи навбати, 1996 йилда қуввати йилига 14 минг тонна бўлган «Газдан олтингугурт ажратиб олиш» қурилмаси ишга туширилган. 1997 йилда эса табиий газдан йилига 60 минг тонна суюлтирилган газ (пропан-бутан) ишлаб чиқарадиган қурилма, қуввати йилига 4 млрд. метр куб қувватга эга бўлган «Газни цеолит ёрдамида олтингугуртдан тозалаш» қурилмаси, йилига 3 млрд. метр куб қувватга эга газ сиқиш станцияси фаолият юрита бошлаган. Жорий йил ҳисобидан ҳам газни ҳаво ёрдамида автоматик совутиш қурилмаси ишга тушибди.

Демак, «Шўртангаз» хаёлимизда доимий бир хил муҳрланиб турадиган кон эмас экан. У айниқса, мустақиллик йилларида фаолият қамровини кенгайтириб, тобора улкан корхонага айланиб бормоқда. Айни пайтда унинг шу кунлардаги фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. Биринчи ярим йилликда барча давлат буюртмалари ортиғи билан бажарилганлигини эса фактлар тасдиқлаб турибди. Режадаги 10354,100 миллион метр куб ўрнига 1074,118 миллион метр куб газ (103,7 фоиз), 393,570 минг тонна ўрнига 414,128 минг тонна конденсат (105,2 фоиз) қазиб олинган бўлса, суюлтирилган газ ишлаб чиқаришда ўтган йилдагига нисбатан 116,2 фоиз ўсишга эришилди. Олтингугурт ҳам режадагидан 3333 тонна ортиқ ишлаб чиқарилган.

Шу вақт мобайнида бошқарма Ирландиянинг «Апл Холдинг», АҚШнинг «Миссисипи» ва «Стинфорт Капитал», Қирғизистоннинг «Ал Борокат» компанияларига жами ҳисобда 671185 АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилган.

Яна халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 102,8 фоизга (616,6 минг сўмлик), аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш эса 138,5 фоизга (1392,1 минг сўмлик) уддаланди.

Шуларнинг натижаси ўлароқ, корхонанинг биринчи ярим йиллик баланс даромади режага нисбатан 1727321 минг сўм кўп бўлди.

Бу рақамларнинг биронтаси кичкина кўрсаткич эмас. Назаримизда, ютуқларнинг бари корхона ишчи-хизматчиларининг ўз елкаларидаги масъулиятни чуқур ҳис қилганлиги белгиси. Ахир, «Шўртангаз» давлатимизнинг асосий таянчларидан бири ҳисобланади.

— Мақсадимиз — иқтисодий жараёнларни кучайтирган ҳолда корхона келажагини барпо этишдир, — дейди бошқарма бошлиғи Олим Муродов.

Ушбу бошқарма ҳақида гапирганда яна бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтиш керак, деб ўйлайман. Унинг қарамоғида Қарши шаҳридаги битта митти туман, 320 ўринли «Нодирабегим» боғча-гимназия мажмуаси, 280 ўринли «Семурғ» болалар боғчаси, Ғузор туманидаги «Камалак» болалар боғчаси, Ўзбекистон биринчи лигасидаги «Шўртан» футбол клуби, 400 та уйдан иборат Газчи дала ҳовлиси каби носаноат бўлинмалар ҳам бор. Шунингдек, бошқарма йилнинг биринчи ярмида Ғузор туманини газлаштириш учун 36,2 миллион сўмлик, «Насаф» стадионини таъмирлаш учун 20 миллион сўмлик, мактабларга 1,6 миллион, бошқа ҳар хил маърифатпарварлик ишларига 13,6 миллион сўм маблағ ажратди.

Бу ишлар эса корхона қудратини кўз олдимизда янада улканроқ қилиб кўрсатади.

... Ғузор — Қарши йўлига тушиб елиб борар эканмиз, тобора узоқлашаётган олов энди менга «Шўртангаз»нинггина эмас, келажаги буюк Ўзбекистоннинг ҳам рамзи бўлиб туюла бошлади...

### Савоб

***Яккабоғ, Шаҳрисабз, Чироқчи, Қамаши, Китоб туманларидаги тарихий обидаларни таъмирлаш, боболаримиз яратган сирли гўшаларни шу аснода келгуси авлодга етказиш учун хизмат қилишни «Мерос» ҳиссадорлик жамияти ўз зиммасига олган. Унинг бу йилги режасида 16 та тарихий ёдгорликда жами 85900 сўмлик таъмирлаш ишлари олиб бориш кўзда тутилган бўлиб, айни пайтгача Китоб масжиди, Кунчиқар масжиди, Ёдгори Валлома мадрасаси, Хўжа Испарос, Кўк Гумбаз, Хитой масжидлари, Шайх Шамсиддин Кулол, Гумбази Сайидон, Жаҳонгир мақбараларида 14265,43 минг сўмлик иш бажарилган.***

***Энг асосийси, «Мерос»нинг ҳар бир аъзоси ўз ишларининг савоб эканлигини қалбдан ҳис қилади.***

### Республикада биринчи

***Қарши—Шаҳрисабз йўлида қурилиб иш бошлаган енгил автомобилларга комплекс хизмат кўрсатиш пункти ишидан йўловчилар мамнун бўлишмоқда. Автосервис, эҳтиёт қисмлар ҳамда кундалик эҳтиёж моллари дўконлари, 20 ўринли кафе-бар, бир кеча-кундузда мингта автомобилга хизмат кўрсата оладиган АЁҚТ дан иборат бу комплекс жиҳозлари Швейцариянинг «Аблонапп инжеринг АГ» фирмасидан келтирилган.***

***«Ўзавтосаноат» ҳузуридаги «Ўзавтосаноатсервис» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ташаббуси билан республикамизда худди шундай яна 10 та хизмат комплекси қурилмоқда.***

***— Биз ҳаммадан олдин ишга туширдик, — дейди директор Эркин Суяров, — тўғри, ҳали тўла қувват билан ишлаётганимиз йўқ, аммо, ишончимиз комилки, жаҳон андозаларига мос хизмат тез орада мижозларимиз сонини кўпайтириб юборади.***

# ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

1991 — 1998
7
МУСТАҚИЛЛИК

## Янгилик-ҳаёт мазмуни

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг самараси ўлароқ вужудга келган мулкий муносабатлар одамларда эртанги кунга ишонч ва умид туйғуларини уйғотмоқда. Шу маънода Касби туманидаги Ҳамза Хўжақулов, Шароф Рашидов номли пайчилик жамиятлари, Шаҳрисабз туманидаги Болта Фозилов номли, Усмон Юсупов туманидаги Ғафур Ғулом номли, «Жейнов» жамоа-ширкатларидаги ибратли ишларни эътироф этиш мумкин. Ҳамза Хўжақулов номли пайчилик жамиятининг Аваз Козимов бошлиқ бригадасида эришилаётган юқори ҳосилдорлик фикримизни қўлловчи ёрқин бир мисол.

Ижтимоий, маданий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар туфайли янгича фикрлар, қарашлар одат тусига кириб бормоқда. Бу ишларни ташкил этишда ёшларни, яъни келажак авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор берилаяпти. Халқ таълими соҳасида диагностик таҳлиллар мунтазам ўтказилмоқда. Компьютер синфлари, тест синовлари ва бошқа илғор ўқитиш усуллари таълим муассасалари ҳаётига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Бундай янгича иш услублари эса ҳозирнинг ўзидаёқ самарасини бераяпти. Қарши шаҳридаги 1-гимназия ўқувчиси Роза Сафарова АҚШ да ўқиш имкониятига эга бўлди. Нишон туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Наргиза Омонова немис тилидан Республика фан олимпиадаси ғолиблигига эришди.

Вилоятимизда рўй бераётган бундай ўзгаришларда давлат органлари, кенг жамоатчилик билан бир қаторда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, аъзолари ҳам изчил иштирок этаяптилар. Шу кунларда вилоят партия ташкилоти таркибида 1 та шаҳар, 14 та туман кенгашлари, 1200 га яқин бошланғич партия ташкилотлари иш олиб бораяпти. Кейинги 1,5 йил ичида партия сафларига 3000 дан зиёдроқ янги аъзолар қабул қилиниб, ХДП аъзолари сони 39 минг нафарга яқинлашди. Партия сафига кираётганларнинг аксарияти бозор иқтисодиётининг энг масъул йўналишларида ишлаётган ёшлар эканлиги эса бизни янада қувонтиради. Оила йилида партия ташкилотлари касаба уюшмалари, хотин-қизлар қўмиталари, «Нуроний», «Камолот», «Маҳалла» жамғармалари вилоят бўлимлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда оиланинг иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, маданий-маърифий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича иш олиб бораяптилар. Шу мақсадда меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда учрашувлар, мулоқотлар, ҳар хил кўрик-танловлар ташкил этилаяпти. Айниқса, «Энг яхши оила», «Намунали келинчак», «Гўзал маҳалла» каби кўрик-танловлар юқори савияда ўтказилмоқда. Бу сингари тадбирлар эса оилада барқарор муҳитни таъминлаб, маънавий бўшлиқни тўлдиради.

Умуман, мустақиллик йиллари вилоятимизда эришилган ютуқлар, бунёдкорлик, яратувчилик, ободончилик ишлари халқимизнинг фидокорона меҳнати, қолаверса, мамлакатимиз Президентининг оқилона олиб бораётган сиёсати натижасидир. Зотан, ана шу сиёсат замирида порлоқ келажак, эртанги куннинг эзгуликка йўғрилган ташвишлари, ҳаётимиз мазмуни мужассам.

***Ф.ОМОНОВ,***
***Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилояти кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати.***

*Қарши шаҳридаги «Ботир» зардўзлик хусусий кичик корхонасида тикилаётган тўн, халат, дўппи каби миллий зардўзлик буюмларининг шуҳрати бутун Қашқадарё воҳасига тарқалган. Унга «Қорлуқ-Боғот»*

### Эл хизматидаги «Ботир»

*маҳалласи раисаси Гулчеҳра Пиримқулова бошчилик қилиб келмоқда.*

*Айни кунда бу ерда 40 нафар қизлар тикувчилик сир-асрорларидан сабоқ олиш билан бирга яхшигина маош билан ҳам таъминланмоқда. Энг қувонарлиси шундаки, қизлар асосан кам таъминланган оилалардан олинган. «Оила йили»да корхона ҳисобидан бошқа турли тадбирлар ҳам ўтказилиб, кам таъминланган оилаларга, қаровчиси йўқ қарияларга 50 минг сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечак хайру эҳсон қилинди.*





## Ҳамкорликда ҳикмат кўп

